



ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТАСАВВУР КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМДАН Фойдаланиш САМАРАДОРЛИГИ

М.А.Арипжанова

*Педагог инновациялар касб-хунар таълими
бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш институти мустақил изланувчиси*

Мақолада: масофавий таълимнинг профессионал таълим тизими ўқувчиларининг тасаввур компетенцияларини шакллантиришдаги аҳамияти ёритилган. Бундан ташқари махсус ўқитишда инновацион технологиялардан, яъни электрон дарсликлар, анимациялар, мобил иловалардан фойдаланиш йўллари ва уларнинг самарадорлиги келтирилган.

В статье : представлены значение дистанционного обучения в формировании компетенций воображения у студентов системы профессионального образования. Кроме того, представлены способы использования инновационных технологий в специальном образовании, т.е. электронных учебников, анимации, мобильных приложений, и их эффективность.

The article : presents the importance of distance learning in the formation of imagination competencies among students of the vocational education system. In addition, ways to use innovative technologies in special education are presented, i.e. electronic textbooks, animations, mobile applications, and their effectiveness.

Бугунги кунда республикамизда профессионал таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш бўйича махсус йўналишларини такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида [1] профессионал таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида қабул қилинган. Ушбу қарорга кўра профессионал таълим тизимида ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, профессионал таълим муассасаларини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг жаҳондаги илғор таълим ресурслари, илмий адабиётлар ва маълумотлар базаси



бўйича электрон каталогларга кириш имкониятини кенгайтириш. каби масалаларга алоҳида урғу берилган.

Бизга маълумки, ҳар қандай фанни ўрганишда турли педогогик технологиялар қўлланилади. Бунинг сабаби дарс ўтишда турли услубларни қўллаш орқали дарсни қизиқарли ўтишга эришиш, ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга эришиш ва ўқувчиларга етарли билим бериш ва бошқалар.

Бугунги кунда барча соҳалар каби таълим тизимига ҳам ахборот технологиялари кириб келган. Махсус ихтисослаштирилган аудиториялар, чунончи, компьютер, телевизор, электрон доска, проектор билан таъминланган аудиторияларда дарс ўтиш оммалашган. Бундан ташқари масофавий таълимнинг оммалашishi электрон дарслик, қўлланмалар, вертуал лабораторияларнинг яратилишига ва ундан фойдаланиш учун ўқитиш жараёнида компьютерлардан янада кенгроқ фойдаланишга олиб келади. Айниқса, махсус фанларни ўқитишда техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Буни эса бугунги кундаги мавжуд замонавий таълим бериш дастурлари орқали ҳам кузатишимиз мумкин. Яъни ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиниб, масофавий таълимда машгулотлар олиб борилмоқда.

Масофавий таълим — ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб, ўқув ахборотларининг алмапгувини таъминлайдиган, ўқув жараёнини олиб бориш ҳамда бошқариш тизимини амалга оширадиган билим ва кўникмаларни эгаллаш жараёнидир. Масофавий ўқитиш замонавий таълимнинг энг муҳим ва тобора оммавийлашиб бораётган шакли саналади [2].

Ўқитишнинг бу шакли таълим олувчилар ва ўқитувчиларнинг бир-бирлари ҳамда ўқитиш воситалари билан ўзаро таъсирининг мақсадга йўналтирилган интерфаол жараёнидан иборат. Масофавий таълим турли географик минтақаларда жойлашган ўқитувчи ва талабани боғловчи жараён бўлиб, ўзаро алоқалар махсус технологиялар ёрдамида амалга оширилади [3].

Масофавий таълимга қуйидаги бешта асосий ҳолат билан тавсифланувчи таълим сифатида қараш мумкин:

- ўқитувчи ва ўқувчининг мавжудлиги;
- таълим жараёнининг маълум масофада амалга оширилиши;
- ўргатувчи ва ўқувчининг ўзаро иккиёқлама мулоқоти;
- масофавий ўқиш учун мўлжалланган махсус материаллар мавжудлиги;
- ҳар икки томоннинг компьютер ва бошқа техника ва коммуникация воситалари билан таъминланганлиги[4].

Махсус фанларни ўқитиш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа умумий ва умумкасбий фанларга нисбатан кўпроқ амалий кўникма ва малакаларни шакллантиришни тақозо этади. Бунга маъруза ва лаборатория машгулотларида фанни мохиятини очиб берувчи видеодарслар, мобил






иловалар, телеграмм ботлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш орқали эришилади.

Бугунги кунда энгил саноат йўналишида таҳсил олаётган ўқувчиларда замонавий ишлаб чиқариш воситалари ва уларнинг ишлаш технологиясини ўрганишда, турли ассортиментдаги кийимларни яратиш, уларга ишлов бериш, тикув корхоналарининг тузилишларини ўрганишларида фазовий ва ижодий тасаввурларни шакллантириш талаб қилинади. Ўқувчиларда тасаввур компетенцияларини ривожлантиришда бугунги кундаги замонавий технологиялар, яъни техник ва дастурий воситалар маҳсули бўлган видео, матн, жадвал, график, товуш, объектларнинг фазодаги ҳаракати, анимациялардан, турли кўргазмали материаллар, тарқатма материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Махсус фанларидан назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда электрон таълим ресурслари ҳамда анимацияларнинг қўлланилиши мавзуни ўрганишга ўқувчиларда қизиқишни, фаоллиги ва тасаввурини ошириши, улар хотирасида берилаётган маълумотларнинг сақлаб қолиниши ва керакли вақтда маълумотларни эслай олиши каби самарали таъсир кўрсатади. Шунингдек, анимацияни барча фанлар учун қўллаш имконияти, мураккаб мавзуларни соддалаштириш, моделлаштиришга асосланган таълимда қўллаш, дарснинг барча босқичларида фойдаланиш усуллари ўрганиб чиқилган. Анимацияларни товушлар билан бойитилиши ўзлаштирилаётган материалларни янада тушунарли етказилишини таъминлайди. Таълим жараёнида анимацияларини яратиш мураккаб бўлиб, анимация турлари ва уларни ишлаб чиқиш учун фойдаланиладиган дастурий воситаларда ишлаш кўникмасини ҳам шакллантиришга аҳамият бериш лозим.

Бундай дастурий воситалардан нафақат машғулотлар давомида, балки масофавий таълимда ҳам фойдаланиш мумкин. “Тикув буюмлари тикиш технологияси” фанида ўқувчилар турли ассортиментдаги тикув ва тикув-трикотаж буюмларига ишлов бериш жараёнларини ўрганадилар. “Тикув буюмлари технологияси” фанидан узелларга ишлов бериш жараёнини кетма-кетлик асосида тикиб ёки мавжуд схемалардан анимациялар яратиш замонавий дастурлар орқали талабаларга тушунтириб бериш мумкин. Бу таълимнинг яна бир қулайлиги шундаки, ўқувчилар жойланган маълумотларни қайта қайта кўриб тушунмаган жойларини кўриб ўрганишлари, дарсдан сўнг мустақил равишда дарс мавзусини ва ишни бажариш тартибини танлаши, олдинги ва навбатдаги бўлинмас операцияларга ўтиши, ҳар бир босқичнинг схемасини, уни бажариш техник шартини кўриши ҳамда уларни қандай тикилишини анимация орқали тушуниб олишлари ва кетма – кетлик асосида берилган узелни мустақил тикишлари мумкин.

Масофавий таълимда ўқувчиларга мавзуга оид тарқатма материаллар тақдим этиш орқали ҳам уларнинг тасаввур компетенцияларини шакллантириш ва уни реал ҳаётга, амалиётга тадбиқ қилишларига ҳамда





келажакда ўз соҳалари бўйича етук мутахассис бўлиб етишишларига эришиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таълим тизимида масофавий таълим ва АКТ ни қўллаш орқали ўқувчиларнинг тасаввур компетенцияларини шаклланишига эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрда қабул қилинган ПФ-5812-сон “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони

2. Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, М.Мирсолиева. “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули бўйича ўқув-услубий мажмуа.Тошкент-2016

3. А.Х. Қосимов “Махсус фанларни ўқитиш методикаси” Тошкент, ТАТУ 2004.

4.Атабаева, К. Р. Таълим тизимида масофавий ўқитишнинг афзалликлари / К.Р. Атабаева. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 24.1 (158.1). — С. 5-7. — URL: <https://moluch.ru/archive/158/44573/>.